

10 25727


092

Гулрух САИДМАХМУД қизи

Ю
25727
092

БАХТ

РУХИ



25727

10 0

2000A 290592

Тул ру 8

2000A-290592 ~~нормахида вази~~
~~норма~~

Гулруҳ САИДМАҲМУД қизи

БАХТ РУХИ

(Лирика)

Тошкент
«Истиқлол» - 2000

Тўпламдаги шеърларда ёш шоиранинг
қалб тебранишлари, завқ-шавқи, шукро-
наси ўз ифодасини топган. Унда асосан
мехр-мухаббат, висол орзузи ва ҳижрон
дардлари кўйланади.

Тақризчи ва сўзбоши муаллифи -

Азим СУЮН, шоир.

Гулруҳ САИДМАҲМУД қизи

БАХТ РУХИ

Муҳаррир З.Жўрасв
Рассом Ш.Мирфаёзов
Техн. муҳаррир Ж.Бекиева

Босишга руҳсат этилди 17.07.2000 й.

Бичими 60x84 1/32.

Шартли б.т.1,5. Нашр б.т. 1,7. 1000 нусха.


Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма №

«Истиқлод» нашриёти, Тошкент,
Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 29.
«Ношир» МЧЖ босмахонасида босилди. Келес
шаҳри, К. Фофуров кўчаси.

10

ISBN 8244-1324-12

© «Истиқлол» нашриёти, 2000 й.



25727
10 092

Қалдан чиқувчи сатрлар...

Мұхтарам шеърият мухлислари! Биз сизга таништирмоқчи бўлган муаллиф Гулруҳ Саидмаҳмуд қизи 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг бир қанча шеърлари матбуот саҳифаларида эълон қилинганд. Иккита шеърига шоиранинг бобоси, ўзбек мусиқа санъатининг буюк даргаларидан бири, марҳум бастакор Муҳаммаджон Мирзаев мусиқа басталаб, қўшиққа айлантирганлар. Гулруҳнинг шеърларини ўқигандаги бу шеърларнинг ҳар бир сатри покиза қалб ҷашмасидан отилиб чиқаётган зилол туйгулар сифатида киши эътиборини тортади. Бу шеърлар шоиранинг истеъдодидан далолат берив турибди.

Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этаётган шоиранинг ушбу “Бахт руҳи” туркумидан ўрин олган лирик шеърлари асосан сўнгги йилларда яратилган бўлиб, сизнинг ҳам меҳрингизни қозонишига ишонамиз. Ўйлай-мизки, бу шеърий тўплам шоиранинг келгуси ижодий муваффақиятларининг дебочасидир.

Азим СУЮН

КЕЛУРМУСАН, КЕЛМАС ЁР

Фирокинг ўртайди жон,
келурмусан, келмас ёр.
Юракдан сизмоқда қон,
келурмусан, келмас ёр.
Янги ой чиңа бошлар,
юлдуз чимиргай қошлар,
Болишга томар ёшлар,
келурмусан, келмас ёр.
Туни билан мен нолон,
түлғониб мисли илон,
Софинч ўтида бир ён
келурмусан, келмас ёр.
Эриди тоғлар қори,
кетди ғуурүр викори
Куйлаб толди дил тори,
келурмусан, келмас ёр.

КИРИБ КЕЛДИ КЕЛИНЧАК

Оқ либосга бурканиб,
Кириб келди келинчак.
Ибо билан бош эгиб,
Кириб келди келинчак.

Оху қўзи мафтункор,
Лаби ғунча мисоли,
Сўзларидир бол «чак-чак»,
Кириб келди келинчак.

Хонадонга юлдуздай,
Ёқадаги қундуздай,
Худо берсин эгизак,
Кириб келди келинчак.

Оқ либосга бурканиб,
Кириб келди келинчак.
Ибо билан бош эгиб,
Кириб келди келинчак.

ОЛТИН КУЗ

Тўкин фасл олтин куз,
 ўлкамда кезиб юрар,
Хосилин қилиб кўз-кўз,
 бобо дехқоним кулар.

Дарахтнинг кўзида ёш,
 бир-бир тўкилар япроқ,
Олислаб борар қуёш,
 ой чиқар мисли ўрок.

Кизнинг нозик ибосин,
 кўкка кўтариб ҳар вақт,
Кизғиш, сариқ либосин
 кийди она табиат.

Куз тарайди сочини
 она ерга кўрк бериб,
Шоир илҳом баргини
 олмокда ердан териб.

ИШОНМА

Күз ёшим түкмай десанг,
 ҳар кимларга ишонма,
Чин күнглин билмагунча,
 дүстларга ҳам ишонма.
Сени күкка күтариб,
 зимдан пайингни қирқиб,
Димоғингта хуш ёққан,
 сүзларга ҳам ишонма.
Күрк сочиб, япроқ очган,
 күп бокма гүзал гулга,
Хуснини күз-күз этиб,
 жилмаяр ҳар булбулга.
Тинч яшай, десанг омон,
 юрай десанг беармон
Кулиб турган ул қаро,
 күзларга ҳам ишонма.
Сүнгра бўлиб пушаймон,
 кетгай омад ва дармон,
Сендан олислаб анча,
 кетганида ул карвон,
Умр оқар сувинда,
 оқиб боради Гулрух.
Сойингда рақс тушган,
 илонларга ишонма.

...ГА

Күёш уфқقا ботганда ҳар он
Юлдуз мисол порлаб ёнасан.
Сени жоним йўқотсан бир бор
Бу ҳаётдан сен деб кечаман.
Кўлда шароб, юракда севги,
Кўзда меҳр, қалбда ҳис-туйғу.
Лайло каби ишқинг нурида,
Фунча гулман қалбинг тўрида.
Нечун бунча мен қўйдим меҳр,
Нечун фақат сени дерман мен.
Нега ўнгим эмас, тушимда,
Кучоғингни тўлдирдим гулга.
Шудир Фарҳод куйлаган севги,
Муҳаббат деб сарсон бўлган Қайс,
Худойим мен на қиласай энди?..
Күёш уфқقا ботганда ҳар он
Юлдуз мисол порлаб ёнасан.

ФУНЧА

Хаёт сехринг ишга сол,
 фунчани кафтингта ол,
Дардларига кулок сол,
 тилларидан томар бол.
Очилмаган бўлса ҳам
 ҳаётда кўпни кўрган,
Фунчанинг бу ёш боши
 не кунларни кўрмаган.
Ҳар ерга етган қўли
 ҳолдан тойиб чарчади,
Бағри ерга қайрилиб,
 кўзи самога бокди.
Эй само, ой, куёш-ла
 мени ўз бағрингта ол,
Хаётдан тўйиб кетдим,
 маконингта мени ол.
Хаёт сехринг ишга сол,
 фунчани кафтингта ол.

УМИД ГУЛИ ОЧИЛУР

Бегубор күк осмонга,
маржон юлдуз сочилур,
Ёш ниҳол юрагида
умид гули очилур.
Орзу қилиб, интиқиб,
кутган кунларим келур,
Севги тұла қалбіда
умид гули очилур.
Гулингни саклагин ёр,
гүзал кун бўлиб келур,
Сен ишон азиз ёrim,
умид гули очилур.
Бахтинг чўлпондек чақнаб,
аждодлар сочади нур,
Бирга бўлса кўнгиллар,
умид гули очилур.

ХИЖРОН

Хижрон босган юрагим
хижолатда қолдиму,
Сен босган гулларингни
кўз ёшларим ювдиму?
Бир кўрсам дейман сени
ҳаётимда учратиб,
Кўлингта гул тутарман
тушларимда интиқиб.
Хижрон босган юрагим
тилка-тилка бўлди-ю,
Юлдузни ой кўролмай,
осмонда кул бўлди-ю.
Хижрон босган юрагим:
«Гулім» - дея сўзлайди,
Сен босган йўлларингта
Гули гулларин сочди.

СОГИНЧ

Софинч ўтида эй, күйдирма фалак,
Сени кўрмасам тар юрагим ҳалак.
Ҳар неки десанг ҳам майлига жоним,
Сени кўрмасам гар тошади қоним.
Қон ютай десам-у, бўғзимда тошим,
Юрагим тилка-ю, дилим эса қон,
Хаёлим паришон, сендаир доим,
Кўзимдан йўлингта сочилгай маржон.
Софинч ўтида эй, кўйдирдинг фалак,
Сени кўрмайин мен ўтдим бешафқат,
Юрагимда ўзинг қолдирдинг армон,
Қалбимга санчиб қадалди камон.

СЕВГИМ

КуЙЛА ЖҮШ УРГАН СЕВГИМ,
КуЙЛА ҚАЛБИМ, ЮРАГИМ.
Раңса түш вужудим,
Қайдасан, менинг севгим.

СИЗНИ КУТИБ

Кўзларим йўлингизга
бокиб турагни нигорон,
Қалбим юрагингизга
савол беролмай ҳайрон.
Хижрон азобларига
чираб тураман бир он,
Қайтиб келармикин сиз,
мен турай сизни кутиб?!

МУСТАҚИЛ БҮЛ

Мустақил бўл жон ўлкам,
ўзбекнинг шон-шарафи,
Мардана қадам ташлаб,
шухратинг турсин янграб.
Бағринг тўла ўғил-қиз,
куч-қудратинг уларда.
Гуллар сочиб бағрингда
яшнаймиз биз жаҳонда.
Етти ёшинг муборак,
муборак бўлсин тўйинг.
Кўп йиллар-ла то абад
номинг порлаб туражак.
Ўзбек халқим меҳмондўст,
кенг қулоч қалбинг очгин.
Завқ-шавқ билан сен қара,
улуғ байрам келмоқда.
Ўзбекистон она-юрт,
водийларинг хўп гўзал.
Худойимга минг шукур,
шу кунларга етказган.

ЁРИМ

Ёрим қайтгин ёнимга,
Ёнимгамас қалбимга,
Юрак тўла севгимга,
Нур бўлиб сен кўзимга.
Қайтмасанг оҳ чекарман,
Дарё бўлиб тошарман,
Ёлғиз харсанг бир тошга,
Дилимни мен очарман.
Ёрим қайтгин ёнимга
Хаётимга, қалбимга.

СУВ БҮЙИДА МАЖНУНТОЛ

Сув бүйида мажнун тол
маюс эгар эди бош,
Шохлари ер-сувгача
тегиб турарди бебош.
Шохлари аввал тетик,
күрк берарди илгари,
Хаётдан эзилгандан
ташлади у шохларин.
Йүқотиб у бахтини
излайди ҳар ерлардан,
«Топармиканман?» дея
қидирмоқда сувлардан.
Сувга «қўлин» узатиб,
хаёл сурар букчайиб,
«Ёrim қайдайкин» дея
интикиб, қон интикиб.
Сув бүйида мажнунтол
маъюс эгар, эгар бош,
Дарё бўлиб оқмоқда
кўзларида тўла ёш.

ТОПОЛМАДИМ МЕН

*Адам - Сайдмаҳмуд Сайдикром ўғлига
багишлайман.*

Юрагимда қолди бир армон,
Кон тагида қолган гул мисол.
Сизни излаб мисли бир арслон,
Изларингиз мен тополмадим.

Уйимизнинг устунийдингиз,
Онагинам таянчийдингиз,
Менинг чексиз севинчимдингиз,
Сўзларингиз мен тополмадим.

Қоя-тошда бургут мисоли,
Олтин чўлда илон сингари,
Кўлмак сувда балиқ сингари,
Энди сизни мен тополмадим.

Чўкқидаги мағрур қуш каби,
Назокатли гўзал қиз каби,
Эслагувчи сизни ўзимман,
Кўзларингиз мен тополмадим.

Сизни излаб қабрингиз топдим,
«Отам» - дея тупроғин қучдим,
«Омин!» - дея қўлимни очдим,
Лек тола соч ҳам тополмадим.

Қабристонда қолган отам эй,
Устида гул ётган отам эй,
Бахтим кўрмай кетган отам эй,
Дур ёшымдан мен тополмадим.

ШАМОЛНИНГ ШЎХЛИГИ

Шамол эсар шивирлаб,
Сочларимни эркалаб
Толим қилиб учирар,
Юзларимни сийпалаб.
Даладаги буғдойлар,
Салом бериб эгилар.
Шўхлигига шамолнинг
Эркаланиб қўшилар.
Шамолдан уф тортади
Баланд-баланд чинорлар,
Синай дейди қарсиллаб,
Йўғон-йўғон ул шохлар.
Менга эса ёқмокда
Шамолнинг бу шўхлиги,
Айланиб ул эсмокда
Олтин барглар ўйнатиб.

ҚИЗИЛ ГУЛ

*Бобом - Ўзбекистон халқ артисти,
бастакор Муҳаммаджон Мирзаевга
атаб.*

Гул кўтариб мен қўлда,
Кирдим сокин бир жойга.
Ям-яшил гўзал макон,
Ҳар бир инсон борар жой.
Қулоғимга чалинди,
Ногаҳон қудратли сўз —
Жойи жаннат, гул бўлсин,
Ҳар бир инсон борар жой...
Кўзда маржон-маржон ёш,
Қўлда бир даста гулим.
Кўйдим бир сўз айтолмай,
Мехрибоним ётган жой.
Юрак-бағримни тилиб
Оҳ урдим, лек не фойда,
Инсон қадрига етар,
Уни йўқотган чоғда...

ТОЙЧОГИМ

Ўглим Алишерга

Тойчок ўглим ўргилай,
«Ойи» деган тилингдан,
Мунчокдек жовдираган,
чўғдай қаро кўзингдан.
Менга чолиб келасан,
кучогинг, қўлинг очиб,
Юзларим эркалайсан,
бағримга ўзинг отиб.
Бахтимга омон бўлгин,
умидларим гулисан,
Улуғ бир инсон бўлгин,
боболаринг нақхисан.
Тойчок ўглим ўргилай,
«Ойи» деган тилингдан,
Сени дуо қилгайман
чиққунча жон танимдан.

"БЕШ КУН ДУНЁ" ЎТГУНЧА

Яхшилик килгин инсон,
 қўлингдан иш келганча,
Одамни қон қақшатма
 «Беш кун дунё» ўтгунча.
Болаларни асрагин
 ўтган кунларни эслаб,
Кексаларни асрагин
 эрта кечмишинг ўйлаб.
Бор экан танда жонинг,
 кунларинг ўтган сайин,
Қаро ерга киришни,
 охиратни ўйлагин.
Тангри олдига бориб,
 кўзларинг ерга бокиб,
Савол-жавоб килганда,
 дўзах азобда қолиб,
Пушаймон бўлма шунда,
 «Беш кун дунё» ўтганда...

АЗИЗИМ

Сени кутиб оламан
Йўлларингта интизор.
Кўнглингта ўт соламан,
Нигоҳингни кўрган он.
Қадрим билиб сен бир бор,
Эслайсан шунда мени.
Бўлмагин бунда ҳайрон,
Азизим дерман сени.

МУНДАРИЖА

Азим Суюн. Қалбдан чиқувчи сатрлар...	3
Келурмусан, келмас ёр	4
Кириб келди келинчак	5
Олтин куз	6
Ишонма	7
...га	8
Фунча	9
Умид гули очилур	10
Хижрон	11
Софинч	12
Севгим	13
Сизни кутиб	13
Мустақил бўл	14
Ёрим	15
Сув бўйида мажнунтол	16
Тополмадим мен	17
Шамолнинг шўхлиги	19
Қизил гул	20
Тойчогим	21
«Беш кун дунё» ўтгунча	22
Азизим	23



Гулруҳ САИДМАҲМУД қизи-1975 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Болалигидан шеърлар машқ қилиб келади. Унинг бир қанча шеърлари матбуот саҳифаларида эълон қилинган. „Бахт руҳи“ шоиранинг илк тўплами.

„ИСТИҚЛОЛ“